

Тошкент ХАКИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 6 февраль • шанба

1928 йил 11 декабрдан нашр этилмоқда.

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

№ 16 (10.442). Нархи 5 сўм.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислам Абдугани ўғли!

Таваллуд топган кунингизнинг муборак 55 йиллиги билан Тошкент шаҳри жамоатчилиги, маҳаллалари оқсоқоллари ва барча аҳли номидан чин қалбдан, қизгин ва самимий кутлаймиз.

Мустақил Ўзбекистонимиз давлат тўғрисида рамзи — Ҳумо халқимиз елкасига қўнганга, алҳамдулиллоҳ, бутун ўзимиз ишонч ҳосил қилиб турибмиз. Ана шу иқболимиз тисоли мамлакатимизнинг сиздек оқил ва зукко, мард ва жасур, асл фарзанди номи билан чамбарчас боғлиқлигини бутун халқимиз шукроналик билан тилга олмоқда. Зеро, сиз Ўзбекистон Республикаси истиқлолнинг раҳнамоси бўлдингиз. Бевосита сиз минглаб йиллик тарихга эга бўлган ўзбекининг қаддини ростлашга, ўзلىгини англашга улкан ҳисса қўшдингиз. Мустақил давлат сифатида халқаро сиёсий майдонга чиққанимиз, унда обрў ва эътибор топаётганимиз, Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солингани, қадриятларимизнинг тикланаётгани ҳам сизнинг саъй-ҳаракатларингиз самарасидир. Ана шу улуг ва савобли ишларингиз орасида жонажон Тошкентимизнинг гуллаб-яшнаётгани, айниқса маҳаллалар фаолиятининг ҳаётимиз қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида модда сифатида қарор топгани маҳаллаларга, улар аҳлига кўрсатаётган чексиз ғамхўрлигингиз тоабат унутилмасдир.

Утиш даврининг бўҳронли кунларида сиздек юртбошининг халқимизга бош бўлишини яратганингиз марҳаматини, шафогани деб биламиз. Сизнинг узоқни кўзлаган сиёсатингиз, ватан, халқ, миллат учун фидойилигингиз, ақл-заковатингиз туфайлигина юртимизда тинчлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик, халқлар ўртасидаги дўстлик барқарор бўлиб турибди. Оғир иқтисодий танглик шароитида ҳам шурқлар бўлсинким, дастурхонимиз тўқис, юртимизда барака бор.

Сизга қутлуғ ёшни қаршилаётган бугунги унутилмас шукуҳ кунини мустақам сийҳат-саломатлик, саодатни аба-

дия, Ўзбекистонни гуллаб-яшнашга қаратилган олижаноб фаолиятингизда улкан ютуқлар ва омад тилаб қоламиз. Давлатимиз мустақиллигини мустақамлашда сизга мадакор бўлишга тайёремиз.

Оллоҳ таоло сизни ёмон кўзалардан асрасин, халқимиз бахтига азиз бошингиз омон бўлсин. Улуғ аждодларимизнинг пок руҳлари сизни доимо қўлласин! Самимият билан,

Кабир ота КОМИЛОВ — Юнусобод тумани маҳаллалар ишчи мувофиқлаштириш кенгаши раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Сайфулла ОҚМИРЗАЕВ — Мирзо Улуғбек тумани маҳаллалар ишчи мувофиқлаштириш кенгаши раиси, уруш ва меҳнат фахрийси.

Абдурахмон ҳожи РАҲМАТИЛЛО ўғли — Тошкент шаҳар масжидларининг имом хатиб.

Ориф ҳожи АЛИМАҲСУМОВ — Яккасарой тумани «1-Яккасарой» маҳалла кўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ артисти.

Савдоби ҳожи САИДКАРИМОВ — Собир Раҳимов тумани «Беруний» маҳалла кўмитаси раиси, доцент.

Абдулла УСМОНОВ — Чилонзор тумани «Дўмбробод» маҳалла кўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ ноиб.

Низом АЛИМОВ — Собир Раҳимов тумани маҳаллалар ишчи мувофиқлаштириш кенгаши раиси, меҳнат фахрийси.

Рашид РАҲИМЖОИЕВ — Сирғали тумани маҳаллалар ишчи мувофиқлаштириш кенгаши раиси, меҳнат фахрийси.

Абдукарим ШОҲИДОВ — Шайхонтоҳур тумани маҳаллалар ишчи мувофиқлаштириш кенгаши раиси, доцент.

Шукур ҳожи ТЕМУРОВ — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, Акмал Икромов тумани Абдулҳай Тожиёв номидаги маҳалла кўмитаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор.

ОҚСОҚОЛЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 февраль кунин Тошкент шаҳар маҳалла оқсоқолларидан бир гуруҳини қабул қилди.

— Маҳалла — ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, — деди Президент оқсоқоллар билан учрашувда. — Халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азда ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда. Маҳалла — тарбия ўчоғидир. Юриш-туриш,

одоб-ахлоқ, жамики фазилятларни ёшлар аввало маҳалладан, аниқроғи, ота-оналари, қўни-қўшнилари, сиздек табаррук отахонлардан ўрганадилар. Шунинг учун биз маҳаллий бошқарувнинг дастлабки ва муҳим бўғини — маҳаллаларга катта эътибор бермоқдамиз. Янги Конституциямизга бу масала алоҳида модда бўлиб киритилгани бежиз эмас. Асл ҳақиқатлар халқ орасидадир, — деди президент пировардида. — Элу юртининг раҳбарини ўйлаган раҳбар аввало раиятга қулоқ солиши керак. Афсус-

ки, айрим мансабдор шахслар бунин унутган кўринадилар. Ўз нафси, ҳузур-халовати йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган ялаб-юлқувчилар, лаганбардорлар уларнинг бошини айлантириб қўймоқда. Андижон вилоятида уюшган жиноятчиликка қарши бошланган курашнинг натижалари шундай дейишимизга асос бўлмоқда...

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик истиқлолимизнинг бош гарови экани ҳаммага маълум. Президент халқлар ва миллатлар ўртасида тотувликини таъминлаш, пой-

тахт ободонлиги, ёш авлод таълим-тарбиясига катта ҳисса қўшаётганлари учун маҳалла оқсоқолларига миннатдорлик билдирди.

Сўзга чиққан маҳалла оқсоқоллари вакиллари халқимиз бахт-саодати йўлида бор куч-ғайратини аяматган Ўзбекистон Президентини дуо қилиб, уни 55 ёши билан табриқладилар.

Ўзбекистон Президенти билан маҳалла оқсоқоллари вакилларининг учрашувида Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков иштирок этди.

МУДОФАА ВАЗИРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Тошкентда республикамизга ташриф буюрган Россия Федерацияси мудофаа вазири, Армия генерали Павел Грачевнинг Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Рустам Аҳмедов билан учрашуви бўлди. Иккала мамлакат ҳарбий маҳкамаларининг раҳбарлари Ўзбекистон билан Россия учун ҳам, шунингдек мустақил давлатларнинг бутун Ҳамдўстлиги учун ҳам катта

аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилдилар. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги муҳим стратегик иншоотлардан бутун МДҲ манфаатлари йўлида биргаликда фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди. Суҳбат чоғида масалага бундай ёндашуви Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар ўртасида жамоат ҳавфсизлиги тўғрисида тузилган шартноманинг руҳи

ва мазмунига мос бўлиб тушажоғи таъкидланди.

Вазирлар иккала мамлакат ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик муаммоларини, шунингдек Ўзбекистонлик йигитларнинг Россияда ва россиялик йигитларнинг республикамиз қисмлари ва қўшимчаларида ҳарбий хизматни ўташлари билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

[УзА]

Армия генерали П. Грачев Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов томонидан қабул этилди ва у билан суҳбатлашди.

4 февраль кунин Россия Федерациясининг мудофаа вазири Тошкентдан Душанбеге жўнаб кетди. У ерда П. Грачев Тожикистон раҳбарлари билан шу республикада жойлашган Россия 201-дивизияси билан боғлиқ муаммоларни ҳамда Тожикистоннинг мустақил қуроли кучларини тузиш масалаларини муҳокама қилди.

• *Хабарингиз борми?*

ТУРСУНОЙ
ОХУНОВА

ЖАМҒАРМАСИ

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мунофоти лауреати, машҳур механизатор марҳум Турсуной Охунованинг номини бутун дунё биларди. У ўз вақтида ниҳоятда катта шуҳрат қозонган...

Афсуски даврлар ўзгариб, Турсуной номи унутилди, турсунойчилик ҳаракати тўхтади, қаҳрамон бюсти ўрнатилган майдон қаровсиз ҳолга ташлаб қўйилди. Ушбу сатрлар муаллифи «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ёритилган «Турсуной фожиаси» сарлавҳали мақоласида шу масалани кўтариб, Турсуной Охунова номини унуттиш мумкин эмаслигини, у ўз даврида фидокорлик билан меҳнат қилганлигини таъкидлаган эди. Мақоладан сўнг Турсуной Охунова бюсти ўрнатилган майдон тартибга келтирилди қаҳрамоннинг номини абадийлаштириш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Яқинда Чинозда яна бир ҳайрли ишга қўл урилди: «Турсуной Охунова жамғармаси» ташкил этишга қарор қилинди. Шу муносабат билан район хотин-қизлар кенгаши аъзоларининг «Чиноз ҳаёти»да эълон қилинган даъватида жумладан шундай дейлади: «Районимиз аҳли Турсуной Охунова меҳнатини ҳеч қачон унутмаган ва унутмайди. Қаҳрамон яшаган Эски Тошкент кишлоғи марказида қад кўтарган унинг бюсти пойига байрам кунлари гуллар тўшалади.

Ҳозирги иқтисодий танглик даврида Турсуной Охунова жамғармасига тушади-ган моддий ёрдам, ҳайрия пуллари узоқ йиллар юрт ишига камарбаста бўлган аёлларнинг, кўп болали оналарнинг, ногиронларнинг, муҳтож оналарнинг турмуш шароитларига озми-кўпми ёрдам бўлади, деган умиддамиз. Бу жамғарма бугунги кунда турли меҳнат жаҳҳадарида ишлаётган, ҳам оилада, ҳам ишда, жамоат юмушларида намуна кўрсатаётган, йил якунларида голиб чиққан кишиларни рағбатлантиришга ҳам хизмат қилади.

Дарвоқе, район ҳокимияти, район хотин-қизлар кенгаши ҳайрли ишга қўл урибдилар.

Қ. ЭСОНОВ.

Дўхномага КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

- МАКТАБДА КУ-РИК-ТАНЛОВ.
- БАЛЛИ СИЗГА, СА-ЛАМАТХОН!
- КЕКСАЛАР АРЗИ.
- КОМБИНАТ УНГ-ЛАНМОҚДА.

АРМОН

УШАЛАРМИКАН?

ТЕЛОВДАГИ 38-урта мактабда иш юзасидан бир неча бор бўлишга тўғри келди. Ҳар сафар борганимда директор Хошим Содиқовнинг турли хил юмушлар билан куймаланиб юганини кўраман. Ростини таниб-тинчимас, ҳар соҳада чуқур мулоҳаза юритиб иш қиладиган жафокаш, босиқ бу кишининг амалда қўллаётган тажрибасига қойил қоласан киши. Шу боис мактабда таълим тарбия, одоб-ахлоқ борасидаги ишлар яхши йўлга қўйилган.

Бироқ сўнгги пайтларда директорни бир «дард» қийнайди. Гап шуидики, мактабда ўқувчилар сонининг кўпайиши сабабли ўқув хоналари етишмай қолди. У елиб-югуриб, қўшимча ўқув биноси бунёд этишни мутасадди ташкилотлар билан келишиб қўйган эди. Нима бўлди-ю, бошланган қурилиш ишлари ярмига етмай бирдан тўхтади, қолди...

Бино қурилиши бошланганига анча йиллар бўлди. Баҳона эса маблағнинг йўқлигидан эди, дейди директор куюниб. — Ачинарлиси — ярми битган бино қор-ёмғир, шамол натижасида нураб бораётганида. Кўриб, юрагинг ачишарди кишининг.

Директор бу ишни ташлаб қўймади. Бино қурилиши битказилиши шартлигини турли идораларга, ташкилотларга уқтирди. Бу масала ўтган йил охирида бўлиб ўтган район сессиясида ижобий ҳал этилди. Қурилишни ниҳоясига етказиш райондаги 487-қурилиш идораси зиммасига топширилди.

Ниҳоят, директорнинг армони ушаладиган, ўқувчилар учун эса яна бир қулайлик яратиладиган бўлди.

Ф. ПАРДАЕВ,
Оҳангарон райони.

КИМ

ҚАЙҒУРАДИ?

ЗАНГИОТА районидаги Назарбек қишлоғи аҳолиси бундан 2—3 йил бурун шу қишлоқ марказига қаҳвахона-ошхона қурилиб, иш бошлаганида хурсанд бўлган эди. Чунки қаҳвахона мудири Маҳмуд Муҳаммадҷонов бошчилигида бу ерда турли мазада таомлар тайёрланиб, ошпазлар хўрандалар раҳматига сазовор бўлганлар.

Маҳмуд ака ҳаж сафарида бориб келганларидан сўнг бу ишни у кишининг ўғиллари Мурод давом этира бошлади. Лекин энди қаҳвахона — майхонага айланиб қолди. Пивоҳўр, ароқхўрлар аринмайдиган бу хушмаизара жой ҳозирда деярли хароба ҳолдадир. Енгил йўл билан даромад орттириш учун қилинаётган бу кўнгилсиз ҳолни баржараф этиш учун ҳеч ким қайғурмапти.

Қишлоғимизнинг гузал, хушманзара жойи шундай ташландиқ жойга айланиб бораётганидан биз қариялар азият чекмоқдамиз. Истар эдикки, мутасадди раҳбарлар аҳолини ўрганиб, зарур чоралар кўрсалар, локайд бўлмасалар.

И. СУЛТОНОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

«МЕН ЮЛДУЗ БЎЛМОҚЧИМАН»

ТОШКЕНТ шаҳридаги Муқимий номли 154-мактабда мазкур шior остида кўрик танлови бўлиб ўтди. Санъатнинг кўпгина турлари бўйича уч кун давом этган танловда бадий ҳаваскорлар, драма тўғраги қатнашчилари ўз санъатларини намойиш этдилар. Рақслар, кўшиқлар ижро этилди ҳамда «Бобур» видеофильмидан сахналар кўрсатилди.

Кўрик танловида Гузал Зокирова, Наргиза Орипова, Неймат Авазовлар голий чиқдилар ва уларнинг ҳар бирига 1,5—2 минг сўмлик мукофот топширилди.

Кўрик танловининг муваффақиятли ўтишида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Фотима Носирова, Шокир Қосимов, Жаҳонгир Юсуфхўжаевларнинг хизматлари катта бўлди.

Айни кунларда мактаб ҳаваскорлари ҳорижий мамлакатларга чиқиб учун ҳозирлик кўряптилар.

И. РУСТАМОВ,
жамоатчи мухбир.

«УМАР ҲАЙЁМ» САҲНА ЮЗИНИ КЎРАДИ

ШАРҚ адабиётида нуфузли ўрин тутган улкан сўз санъаткори Умар Ҳайёмнинг бой ижодиёти халқ мулкига айланган. Бу бебаҳо ижодий хазинага бўлган қизиқиш бугунги кунда ҳам ортиб бормоқда.

Ана шу сеvimли шоирга бағишланган янги саҳна асарида ноёб ижодий мерос ҳақида ҳикоя қилинади. Таниқли бастакор Мустафо Бафоев томонидан ёзилган мазкур опера ўзининг ёрқин мусиқавий талқини билан ҳам ажралиб туради.

«Умар Ҳайём» деб номланган янги операни Ўзбек давлат академик катта опера ва балет театри саҳналаштиришни режалаштириб қўйди.

С. ОДИЛОВА.

«ЎЗБЕКЛАР МЕНИНГ СУЯНЧИГИМ»

«ИЎҚ, Каримов ҳам, у суйанган халқ ҳам миллатчилик кўчасидан ўтмаган ва ўтмайди ҳам. Бизнинг олий мақсадимиз мустақиллик эди. Бунга эришдик. Мустақилликнинг олий мақсади — ўзбек халқининг иззатини жойига қўйиш».

Ўзбекистон Президенти И. Каримов Республика Олий Кенгаши сессиясида сўзга чиқиб, юқоридаги фикрни билдирган эди.

Ҳозир қаерга бормаи, ҳамманинг оғзида иқтисодий аҳвол ҳамда узаро меҳр-оқибатнинг кўтарилаётгани ҳақидаги гап айланади. Балки шундан ҳаётдаги салбий ҳодисалар кўзимизга кўпроқ кўринадиган бўлиб қолди? Лекин яхшироқ қарасангиз, атрофингизда шундай одамлар борлигини кўрасангиз, улар билан бир маҳаллада, бир районда яшаётганингиз билан ғурурланиб, қалбингиз фахр-ифтихорга тўлади.

...Саламат Баратова Пискент районидаги Дўстлик давлат хўжалиги марказида истиқомат қиладиган Улуғ Ватан уруши II гуруҳ ногирони Михаил Андреевич Юшиннинг хонадонига мени илтимосимга кўра бошлаб борди.

— Мен 1915 йилда Саратов шаҳрида туғилганман, — гап бошлади ҳамсухбатим. — 1936 йилда ҳарбий хизматга қақирилдим. Денгизчи эдим, уйга қайтай деб турганимда Улуғ Ватан уруши бошланди... У оғир ўйга толди. Кўзида ёш қалқди. Бироз тин олгач, яна гапида давом этди:

— Ҳаёт-мамот жанглирида қатнашиб, саккизта орден-медал олганман, лекин улар йўқотган қуролдош дўстларим соғинчини босолмайди, қалбимга малҳам бўлолмайди. Агар ихтиёр менда бўлганда, жаҳонни фашизм асоратидан қослаш йўлида ҳалок бўлган ҳар бир жангчи олтидан қайкалтиклардим, тирик қолганларнинг кўксига олтин юлдуз тақиб қўярдим.

— Ўзбек заминига қандай қилиб келиб қолгансиз? — сўрайман ундан.

— Бу ерга 30 йил олдин келганман, дурадгор, устачилик қилганман. Шу қишлоқдаги уйлардан кўпининг эшик-деразаси менинг қўлимдан чиққан. Айтсам, бутун қишлоқ менинг дўсту биродарларим, оғаним, уларнинг фарзандлари менинг ҳам фарзандларим. Фронтичи Билол хат ташувчи эди — вафот этди. Дўстим Раҳмонқулни юрагида ўқ парчаси бор эди, ишламаганда балки яшармиди?... Иўқ, уруш азобини тортганлар тинч ҳаёт қадрини яхши билишади.

Қария сукутга чўмди. Мен хаёлини бўлмадим.

Михаил Андреевич дера-

● ОҚИБАТ ●

за томонга термулиб ўтирар, оёқлари устига ташлаб олган чойшаб полга тушиб кетган, икки сони қип-қизил яра, суртилган малҳам ялтिलाди...

— Ўзбекларда бир фарзанда етти маҳалла отаона дейишади. Ҳақ гап. Мен учун Қўрбонбой Сандибоев, унинг турмуш ўртоғи Саламат Баратова, қолаверса шу оила аъзоларининг ҳар бири туғингандан ҳам ортиқроқ. Уларнинг менга кўрсатаётган инсонгарчилиги умримга — умр қўшяпти, десам ишонаверинг. Айниқса, Саламатдан минг бор хурсандман. Яшаб турган уйимнинг саранжом-сарышталлиги ҳам шу қизим орқали. Болалари, келинлари доим менинг атрофимда парвона. Ҳозирги шароитда ўзингиз биласиз, лекин мен учун ҳар кунни уч маҳал иссиқ овқат тайёр. Қани энди ҳамма ота-оналар қариганда ўз фарзандларидан шунақа меҳр-оқибат кўрсалар... Биз — русларда «Табийий нарсанинг уяти йўқ» дейишади. Кўз

ғи тежаллади, атроф муҳит ифлосланмайди.

— Янги маргарин маҳсулотлари тайёрланмоқда, — дейди директорнинг ишлаб чиқариш бўйича муовини А. Пўлатов. — Масалан, қанд касалига даво бўладиган «Саломатлик», турли пишириқлар тайёрлашда уй бекаларига қўл келадиган «Нилуфар» маргарини ҳозирдаёқ савдога чиқарилди.

Комбинатда ёрдамчи хўжалик ташкил этилди. Бу ерда 200 қўй боқилади, ай-

ни вақтда шерикчилик асосида Тошкент туманига қарашли Ғ. Абдуллаев номидаги жамоа хўжалигида ҳам 100 бош қорамол парваришланади. Моллар қорхона чиқити билан боқилади. Бу эса ишчиларни анча арзон гўшт билан таъминлаш имконини беради. Жамоа бу йил 120 миллион сўм даромад олишни кўзламоқда.

А. СИРОЖИДИНОВ,
ЎЗА мухбири.

ТАДБИРКОРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ...

Тошкент ёғ-мой комбинати фойда олиб ишлаб бошлади, маҳсулот тури кўпайди, сифати яхшиланди.

Гап шундаки, бундан уч ой муқаддам комбинатга директор этиб тайинланган Б. Қодиров ишни меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлашдан бошлади. За-

монавий асбоб-ускуналар сотиб олинди. Ёзда ўрнатилган мўлжалланаётган буг қозони комбинатинигина эмас, балки унга яқин завод ва фабрикаларни буг билан таъминлайди. Ҳадемай, чигитни намлайдиган ускуна этиб келади. Натихада ёқил-

Маданият хабарлари РАҚҚОСА ХОТИРАСИ

Бундан ярим аср муқаддам ўзбек рақс санъати йилномасида муҳим воқеа юз берган эди — машҳур санъаткор Мукаррама Турғунбоева томонидан сахналаштирилган «Тановар» рақси концерт дастурларидан ўрин олди. Ана шу халқ севган рақс кейинчалик Тошкентда очилган «Баҳор» Давлат рақс ансамбли фаолиятини бошлаб берган дастлабки томоша бўлиб хизмат қилди.

Мазкур таниқли ижодий жамоа М. Турғунбоева ташаббуси билан тузилган эди. Бугунги кунда «Баҳор» ана шу моҳир раққоса номи билан аталмоқда. «Баҳор» концерт залида М. Турғунбоева мемориал музейини очиб тарадудди бошланди. Ушбу музей халқ артисти таваллудининг 80 йиллигига муносиб совға бўлади.

ФИЛАРМОНИЯ БИНОСИ— «ШОДЛИК»КА

«ШОДЛИК» ансамбли сеvimли ижодий жамоалардан бири саналади. Мазкур санъат жамоасининг эртанги истиқболини белгилаш юзасидан Республика миёсида муҳим маданий тадбирлар кўрилмоқда. «Шодлик» ўз томошаларини мунтазам ташкил этиши учун алоҳида концерт залига эга бўлаган бўлди. Ўзбекистон Давлат филармонияси биноси тўла таъмирлашдан чиққач, унинг ихтиёрига берилди.

А. АЛИЕВ.



САХНА ҚАЛДИРҒОЧИ.

Даврон АҲМАД олган сурат-лавҳа.

Юбилей арафасида

Аллома Қозизода Румийнинг муборак номи илм-фан ва маърифат аҳлларига яхши таниш. Машҳур зиёкор йирик асарлар ёзиш билан бирга кенг оммалашган китобларга шарҳлар ҳам битган.

Таниқли олим Чағминийнинг астрономия ва математикага доир асари ҳам Румий эътиборини ўзига тортган эди. Буни унинг «Чағ-

минийнинг «Мулаххас» асарига махсус ёзган шарҳи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Катта илмий-маърифий аҳамият касб этган ушбу шарҳни алоҳида китоб ҳолида чоп этиш тарадудди кўрилмоқда. Бу нашр буюк олим Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллик тўйи арафасида босиб чиқарилади.

КУЧСИЗ НОВДА

ТОК қайчи дарахтга шакл беришга киришди. Юқорига тик ўсган биринчи шохнинг учини қирқгач, иккинчисига боқди.

— Мени қирқиб шаҳдимни қайтарма. Уз ҳолимга қўй,— эътироз билдирди иккинчи шох.

— Келажакнинг тузукроқ ўйлаб кўр. Қийналмасанг бас,— уни огоҳ қилди ток қайчи.

Шох кўкни қучиш илинжида кенгроқ ўйлашга ожиз эди. Атрофига боқмай юқорилаб ўсди. Беҳад қувонди, кўкка етар эканман, деб. Бироқ, кўп вақт ўтмай қувонч ўрнини ғам эгаллади. Ҳосил тугамасданок беўхшов новча бўйини эплломай, йўғон танасидан ажради.

— Атрофингдаги шохларни назар-писанд қилмай, кўкни қучай демаянмида қамичдек қилтирик бўлиб ўсмасдинг,— ачинди учи қирқилганидан бақувват ўсган шох, пўстлоғида илиниб, нохуш тебранаётган шохга.

БАҒРИТОРЛИК

— ДАРАХТЛАРИМ кўп-у, меvasининг тайини йўқ. Қўли гул, деб эшитаман сени. Ердам берсанг, шояд...— сўради танишим.

— Кераксиз шохларини бутаб, бир-бир қўлимдан ўтказиб бераман. Барибир, бу билан кутган ҳосилингни беришга ожиз.

— Нега бермас экан! Сувини берсам, тагини чопсам,— дарахтларини айбдор қилди у.

Дарахтларда нима гуноҳ! Тор жойда бир-бирини эзиб ётибди-ку. Ҳосил шохларини ҳарён ёзолмай, «Сен нари тур», «Йўқ, сен нари тур» дея нур, ҳаво талашади. Шундан ўсишлари тикка, нимжон.

— Зичлашиб қопти қийнаиб. Ёшроқларини кўчириб, бошқа жойга ўтказилса қолганлари яйраб ҳосилга кир-

ди,— маслаҳат бераман танишимга.

— Бекорчи жойим йўқ. Унга «бўлмасам одамларга бер. Кўздек қўшнилари бор. Қолаверса мен...» демокчи бўламан-у, журъатим етишмайди. Бу ҳақда ўзидан бир фикр чиқармакин, дейман. Оғзини пойлайман. Қани энди бир сарф чикса. Тошдан садо чикса чикқару, ундан чиқмайди.

— Бошқа иложи йўқми. Йўқ бўлса ортиқчасини кесиб ташла. Йиллаб сиқувда азоб чеккандан, бир зумда ўлгани афзал эмасми, шўрлик дарахтларининг.

— Кўзим қиймаяпти,— керакли нарсасидан айрилиб қолаётгандек хомушланади у. Бировга берсам эссиз ошим, бермасам сасир ошим, деган нақл жуда мос келди шу топдаги унинг зикналигига.

Эй бағригор, бағри кенг оламга табиат ҳам фидойи — бағри кенглигини наҳот билмасанг!

— Ниҳол — фарзандларинг яйраб бахтли бўлса — мевалари баракали бўлса сенинг ҳам бахтинг эмасми!

— Эҳ, бағриторлик!..

БОЛА БОШИДАН

УЛҒАЙСА тўсин ё синч бўлар, деган умид билан экилганди ниҳол. Бироқ у қаровсиз, ўз ҳолига қийишқи ўсди.

Боғбон эгри жойи тўғри бўлсин, деб уни тиззасига тираб торган эди, қирс этгандек бўлди. Эгилмади. Яна бир интилса синиб кетадиган. «Озуқасини берибмиз-у, бетартиб ўсишига бефарқ бўлибмиз-да. Энди элга келгунча азоб бермасанг».

— Вақт ўтганда чираниб, мени ҳам, ўзингизни ҳам қийнапсиз. Ёшлигимда нега тўғрилаб ўстирмадингиз?..


Боласининг ёшлиғида тарбиясига лоқайд бўлган ота-она кейин роҳат ўрнига азобланиб юрадилар.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

БОШҚОТИРМА

1. Етуклик, камолот. 2. Чақриқ. 3. Осмон, кoinот. 4. Аниқ, равшан. 5. Буқача. 6. Сўроқ. 7. Одам азъоси. 8. Хусусий савдо-сотиқ билан шугулланувчи шахс. 9. Умр йўлдоши. 10. Ижодий меҳнат маҳсули. 11. Касаллик тури. 12. Туб сон. 13. Зид, қарши. 14. Ғўштли таом. 15. Ғўдаклик, ёшлик. 16. Нозик, чиройли ҳашарот. 17. Фирибгар, мунофиқ. 18. Қўлиниг тирсақдан нафт бўғимигача бўлган қисми. 19. Тўрт йилда бир келадиган 366 кунлик йил. 20. Доира. 21. Олма нави. 22. Халқ оғзаки ижоди қаҳрамони. 23. Ўзбек давлат арбоби, ёзувчи, «Бўрондан кучли» романининг муаллифи. 24. Она диёр. 25. Хўл мева. 26. Дастали рўзгор асбоби. 27. Теннис майдони. 28. Чизма, лойиҳа. 29. Орзу қилиш.

Ғаёз АБДУҚАҲҲОР ўғли тузган.



«ХЕЛИОС» билан шартнома

Тошкент трактор заводи қошида ҳадемай Болгарияда тайёрланган электр ва авто юк ортгичлар ҳамда электркарларни таъмирлайдиган қўшма корхона очилади. Завод билан хорижий «Хелиос» фирмаси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ мазкур фирма ана шу техника учун эҳтиёт қисмлар етказиб беради. Сир эмаски, собиқ иттифоқ тарқаб кетгач, минглаб шундай машиналар эҳтиёт қисмлари йўқлиги сабабли бекор туриб қолди.

— Республикамиз вилоятларига, йирик корхона ва ташкилотларга сўров жўнатдик, — дейди завод ташқи алоқалар бўлими бошлиғи А. Патраков. — Қанча техника таъмирга муҳтож эканини аниқлаб олсак, эҳтиёт қисмларга буюртма бериш осонлашади. Зарур ҳужжатларни тезда тайёрлаб, апрель ойидаёқ амалий ишга киришиш ниятидамыз.

А. СИРОЖИДИНОВ,
ЎЗА мухбири.

«ЁЛҒОННИНГ УМРИ ҚИСҚА»

Таниқли драматург Шароф Бошбеков яратган асарлар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинмоқда. Ижодкор яқинда яна бир қизиқарли пьеса ёзиб тугатди. Ғоят таъсирчан ва катта тарбиявий аҳамият касб эта-

диган мазкур асар «Ёлғоннинг умри қисқа» деб аталди. У яқин орада сахнавий талқинини топади. Уни Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театри қўйишга киришди.

С. ОДИЛОВА.

Ғар тўғрида

НЕМИСЛАР КУП ИЧИШАРКАН

● НЕМИСЛАР алкоғоли ичимликлар ичишда миллий рекорд қўйишди. Аввалги йили улар жон бошига «соф ҳолда» истеъмол қилган ичимлик 12,2 литрнини ташкил этди.

Алкоғолизмга қарши курашувчи идора раҳбарининг айтишича, бундай аҳвол собиқ ГДР туманлари ҳисобига вужудга келди, дейиш асоссиздир. Шунини айтиш керакки, янги ерларда сал кам 13 литрдан, эски ерларда деярли 12 литрдан тўғри келган. Бироқ фарқ унчалик катта эмас.

Унинг маълумотларига қараганда, ГФРда алкоғол ичишга мойил ва ундан даволаниш эҳтиёжига эга бўлганлар 2,5 миллион кишини ташкил этган. Мавжуд 1200 та олдини олиш пункти камлик қилмоқда. Давлат ҳазинаси эса спиртли ичимликлар ва сигареталар сотилишидан солиқлар сифатида 28 миллиард марка даромад олган.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида А—3 форматда босилади.

Нашр кўрсаткичи: Г-10. Индекс: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.30. 31379 нусха босилади. 1 2 3 4 5 6